

Лувр музейи вакили Мўйи Муборак мадрасасига ташриф буюрди



11:10 / 09.10.2018 4310

Яқинда мамлакатимизда Лувр музейининг ислом санъати бўлими директори Яник Линц бошчилигидаги делегация меҳмон бўлди. Бундан кўзланган мақсад, 2021 йилда Луврда бўлиб ўтадиган “Ипак йўлидаги цивилизация ва маданиятлар” кўргазмаси учун Ўзбекистон музейларидан танланган экспонатлар бўйича мутахассислар фикрини ўрганишдан иборат эди.

Шу ўринда, мазкур санъат кошонаси ҳақида қисқача маълумот берсак. Лувр дунёдаги энг машҳур музейлардан бири саналади. У Парижнинг маркази, Сена дарёсининг ўнг қирғоғи, Риволи кўчасида жойлашган. Мажмуа ҳудуди Людовик XIV нинг отлик ҳайкали турган жойдан бошланади. Музей биноси қадимий қирол саройидир.

Ислом санъати бўлими 2015 йилда очилган. Бу йўналишдаги экспонатлар Луврнинг уч минг квадрат метрдан иборат Висконти залига жойлаштирилади. Бой мероснинг оммага тўлиқ қизиқарли ва тушунарли бўлиши учун янги майдон хронологик тарзда тўрт қисмга бўлинган. Ҳар бир экспонат остига қисқа сатрларда изоҳ берилган.

“Халқ сўзи” нашрининг маълум қилишича, музей эгаллаган майдони бўйича жаҳондаги ана шундай масканлар орасида учинчи ўринда туради. Унинг майдони бир юз олти миш минг квадрат метрни ташкил этади. Дунёда энг кўп зиёратчи ташриф буюрадиган мажмуа ҳам шудир. Уни йилига саккиз миллион беш юз минг нафар киши зиёрат қилади.

- 2021 йил Луврда Ўзбекистонга бағишлаб ташкил этиладиган кўргазма кутилмаган, барчани чексиз ҳайратга соладиган бўлади, - дейди Лувр музейининг ислом санъати бўлими директори Яник Линц. - Чунки юртингизнинг бой маданий мероси нафақат францияликларда, балки музейимизга ташриф буюрадиган миллионлаб сайёҳларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Сафаримиз давомида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, “Афросиёб” Самарқанд шаҳар тарихи музейи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Мўйи Муборак мадрасаси ва Ўзбекистоннинг бошқа музейларини бориб кўрдик. Изланишларимиз яқунлари бўйича саралаб олинган ҳар бир экспонат бўйича хулоса берилиб, кўргазма учун ягона рўйхат шакллантирилди. Ўйлайманки, бу кўргазма икки давлат ўртасидаги маданий муносабатлар ривожига муҳим ўрин эгаллайди.

Айни пайтда Лувр билан биргаликда Ўзбекистонда музей экспонатларининг консервацияси ва реставрацияси бўйича мобиль лаборатория яратиш, шунингдек, “Экол де Лувр” мактаби билан биргаликда музей мутахассислари ва санъатшунослари малакасини ошириш бўйича бир нечта маъруза ҳамда амалий семинарлар ташкиллаштириш устида ишлар олиб бориляпти.

Islom.uz портали таҳририяти